

2016 йил I ярим йиллик учун
«UNICON.UZ» ДУК иш натижалари бўйича
ахборот
(тезкор маълумотлар)

5. Вазирликнинг 2016 йил 12 февралдаги 53-сон буйруғи билан тасдиқланган 2016 йил учун ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида норматив-ҳуқуқий ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш (кайта кўриб чиқиш) режаларига мувофиқ, «UNICON.UZ» ДУКга 4 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатни, 41 та норматив ҳужжат (шу жумладан, олдинги йиллардан ўтган 13 та НХ) ҳамда 2 умумий техник регламентларни ишлаб чиқиш топширилган, буюртмачилар этиб Вазирлик белгиланган.

2016 йил I ярим йиллик давомида техник топшириқларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш, норматив ҳужжатлар биринчи таҳрирларининг лойиҳаларини ишлаб чиқиш, шунингдек олдинги йиллар режасидан ўтадиган НХни ишлаб чиқиш ишларини якунига етказиш бўйича ишлар бажарилди.

6. Вазирликнинг 2016 йил 29 январдаги 33-сон буйруғи билан тасдиқланган 2016 йилда учун ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини ривожлантириш устувор илмий-тадқиқот режасида «UNICON.UZ» ДУКда 4 та мавзу бўйича ИТИ ўтказиш, 2015 йил 6 февралдаги 38-сон буйруғи билан тасдиқланган режасида 3 та мавзу бўйича ИТИ ўтказиш кўзда тутилган.

Техник топшириқларда кўзда тутилган барча ҳисобот материаллари тақдим этилган.

7. 2016 йил I ярим йиллик давомида телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаштириш органи томонидан қуйидаги ҳажмда ишлар бажарилган:

декларация-талабномалар берилиш – 182 та;

мувофиқлик сертификатлари бериш – 175 та;

сертификатлаштириш ишларини ўтказиш учун 108 та шартнома ва 19 та экспорт контрактлари тузилди.

8. Асос метрологик хизмати томонидан 2016 йил I ярим йиллик давомида қуйидаги ишлар бажарилди:

- соҳа корхоналарининг метрологик хизматлар ишларининг режалари тўпланди ва таҳлил қилинди;

- метрологик таъминот масалалари бўйича алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг 58 та ташкилотларига маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатилди;

- алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси корхоналарида фойдаланиладиган ЎВ маълумотлар базасини юритиш бўйича ишлар ўтказилди;

- metrolog.aci.uz ахборот-маълумот тизимининг маълумотлар базаси янгиланди;

- ҳисобот даврида метрологик аттестация ҳақида 10 та сертификат соҳа реестрига киритилди.

9. 2016 йил I ярим йиллик давомида СТТ томонидан қуйидаги ишлар бажарилди:

- норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, стандартлаштириш ва норматив ҳужжатларни жорий этиш бўйича чора-тадбирларни тайёрлаш бўйича ишлар режалари ва ҳисоботларини тузишда корхона ва ташкилотларга услубий ёрдам кўрсатилди;

- ахборот-маълумот фондига 24 та норматив ҳужжат ва 10 та норматив ҳужжатларга ўзгартириш киритишлар келиб тушди;

- алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ишлаб чиқилган 102 та норматив ҳужжатнинг текшируви ўтказилди;

- 6 082 варақ миқдорида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқилган норматив ҳужжатларнинг норма назорати ўтказилди;

- амалга киритилган ва Фондга янги келган норматив ҳужжатлар ва уларга ўзгартиришлар тўғрисида 4 та сигнал билдиришномалар ва сайт учун маълумотлар тайёрланди;

- вақтинча фойдаланиш учун 89 та норматив ҳужжат берилди;

- НХМБ АТга 24 та норматив ҳужжат, 10 та норматив ҳужжатларга ўзгартириш киритишлар киритилди.

10. 2016 йил I ярим йиллик давомида ЭММТХ томонидан қуйидаги ишлар бажарилди:

- РЧСФТСБ мурожаатига асосан 2016 йилда радиочастота спектридан фойдаланиш ва тақсимлаш саволлари бўйича халқаро ташкилотларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси иштироки бўйича Тайёрлов комиссиясининг 2016 йилги Иш режасининг лойиҳаси кўриб чиқилди ҳамда тегишли таклифлар тақдим этилди;

- ХЭИ-Рдан келиб тушган ҳужжатлар лойиҳаси таҳлил қилинди ва ишлаб чиқилган маълумотлар ва таклифлар РЧСФТСБга тақдим этилди: янги Тавсиялар лойиҳаси – 4, қайта кўриб чиқилган Тавсиялар лойиҳаси – 3, бекор қилиш учун таклиф этилган Тавсиялар лойиҳаси – 1, янги Саволлар лойиҳаси – 2, қайта кўриб чиқилган Саволлар лойиҳаси – 2, процедура қоидаларига ўзгартиришлар бўйича таклифлар – 1;

- ХЭИ ривожлантириш секторининг ВДТ/ІР/ССТG-7 циркуляр хатига мувофиқ равишда (МСЭ-D) 2-Тадқиқот комиссиясига “Регуляторная политика Республики Узбекистан в области воздействия электромагнитных полей на население” лойиҳаси ҳамда АТDІ компаниясининг РЧС доирасидаги дастурий махсулотлари ўрганиб чиқилди ва тегишли маълумот тайёрланди;

- 2019 йилги Бутунжаҳон радиоалоқа конференцияси кун тартиби пунктлари бўйича АСМХнинг ишчи гуруҳи йиғилиши натижаларига асосан бирламчи таҳлил ўтказилди;

- 2016 йилда радиочастота спектридан фойдаланиш ва тақсимлаш саволлари бўйича халқаро ташкилотларнинг фаолиятида Ўзбекистон Республикаси иштироки

бўйича Тайёрлов комиссиясининг 2016 йилги Иш режасига асосан Радиоалоқа ассамблеяси (РА-15) нинг Резолюциялари тахлил қилинди ва РЧСФТСБга тақдим этилди;

- 2019 йилги Бутунжахон радиоалоқа конференциясига тайёргарлик доирасида кун тартиби пунктлари бўйича маърузалар ўтказилиб келинмоқда;

- ХЭИнинг “Опыт внедрения и эксплуатации цифрового ТВ-вещания в странах СНГ” мавзуидаги ҳудудий семинарида (РФ, Москва ш.) иштирок этилди;

- АСМХнинг Радиочастота спектрини бошқариш ишчи гуруҳининг 7-йиғилишида (ҚР, Астана ш.) ва АСМХнинг 2019 йилда бўлиб ўтадиган Бутунжахон радиоалоқа конференциясига (БРК-19) тайёргарлик кўриш бўйича тузилган ишчи гуруҳи йиғилишида иштирок этилди ва тегишли техник ҳисоботлар Вазирликнинг РЧСФТСБ га тақдим этилди, ҳамда пресс-релиз тайёрланди;

- Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2016 йил 20-январда 33-Ф-сон фармойиши билан 2016 йилда халқаро ва республика миқёсида ўтказиладиган илмий ва илмий-техник анжуманлар режасига мувофиқ “Электромагнит мослашув ва электромагнит экологияси” мавзуидаги республика илмий-техник семинарига тайёргарлик кўриш ва юқори ташкилий савияда ўтказиш бўйича иш олиб борилди ва семинарда бир қатор маърузалар билан иштирок этилди.

11. Ҳисобот даврида АОДКХ ходимлари томонидан алоқа субъектлари ва объектларининг вакиллари билан маслаҳат иши ўтказилди.

Бир қатор соҳа корхоналарига консультацион ёрдам кўрсатилди.

АОДК маълумот базасининг бэкап ҳамда атрибут маълумотлар учун янги давр (период) яратилди.

“ИмпортExcel” дастурий модули яратилди.

“ImportModern”, “Кадастр ОС” ва “Модуль” дастурларини такомиллаштириш бўйича ишлар олиб борилди.

АОДКХ сервер маълумот базасига ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасидаги корхоналари локал базасига ўзгартишлар киритилди.

12. 2016 йил I ярим йиллик давомида Атамашунослик ва луғатлар хизмати томонидан ишлаб чиқиладиган 3 та атамашунослик луғатлари ишлаб чиқилди ва таржима ишлари олиб борилмоқда, 1 луғат бўйича қайта ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига келишиш учун юборилди.

13. 2016 йил I ярим йиллик давомида алоқа ва ахборотлаштириш объектларини қуриш ва реконструкция қилиш учун 850 та лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизаси бўйича ишлар ўтказилди.

14. 2016 йил I ярим йиллик давомида “UNICON.UZ” ДУК қошидаги Электрон рақамли имзолар маркази фаолиятини амалга ошириш юзасидан:

- RSA стандарти асосида 115 та ЭРИ калитлари;

- O'zDSt стандарти асосида 6491 та ЭРИ калитлари;

Жорий йилнинг I- ярим йиллигида жисмоний ва юридик шахслар учун генерация қилинган ЭРИ калитларининг умумий миқдори 6496_тани ташкил этади.

“Е-ХАТ” ҲЭП тизимига 987 тадан ортиқ фойдаланувчилар уланишди. “Е-kalit” ҳимояланган аппарат-дастурий қурилмалар 200 дан ортиғи сотилди, шунингдек, шартнома асосида “Ижро интизоми” ИМОН тизимга уланган ташкилотлар фойдаланувчиларининг умумий сони 530 дан ортиқни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 22-декабрь 2015 йил № 1024-Ф сонли фармойишига асосан “Ижро интизоми” ИМОН тизимга 1092 та фойдаланувчи уланди.

Ҳокимликлар ҳузуридаги “Компьютерлаштириш маркази” ДУКлар билан имзоланган дисбьюторлик шартномалари ва келишувларига асосан, вилоятларда “Е-ХАТ” ҲЭП, “Е-hujjat” ЭҲА, “Ижро интизоми” ИМОН ҳамда Идоралараро электрон ҳамкорлик (СМЭВ “Е-IJRO”) тизимлари жорий этилди.

Идоралараро “Ижро интизоми” ИМОН тизими фойдаланувчилари учун қўп каналли “Call-center” хизмати ишга туширилди, фойдаланувчилар учун қулайлик яратиш мақсадида қўнғироқларни тезкор қабул қилиш ҳамда уларни операторлар ўртасида тақсимланиши йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, фойдаланувчилар учун масофадан туриб тизимни ўзлаштириш мақсадида тизим билан ишлаш бўйича овозли видео ўқув қўлланмалар ва йўриқномалар www.ijro.uz доменига жойлаштирилди.

Идоралараро “Ижро интизоми” тизимининг ишга туширилиши ва Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппаратидаги ички электрон ҳужжат алмашинуви тизими (SharePoint) билан интеграциялашни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 4 февralидаги 09-08/1-193-сон чора-тадбирлар режаси қабул қилинди.

Мазкур чора-тадбирлар режасининг ижроси юзасидан “UNICON.UZ” ДУК томонидан қуйидаги ишлар амалга оширилди:

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг интеграцияланган тизимини яратиш бўйича техник топшириқни “UNICON.UZ” ДУК билан биргаликда ишлаб чиққан бўлиб, белгиланган муддатда Вазирлар Маҳкамасига расмий равишда тақдим этилди;

- тизимларнинг интеграциялашдан асосий мақсад Вазирлар Маҳкамасининг ички ахборот (SharePoint) тизимидан чиқувчи корреспонденцияларни “Ижро интизоми” ИМОН тизими орқали вазирлик ва давлат идораларига автомат равишда юборишни ўз ичига олади. Шунингдек, Вазирлик ва давлат идораларидан “Ижро интизоми” ИМОН тизими орқали Вазирлар Маҳкамаси манзилига йўналтирилган хатларни рўйхатдан ўтказиш ва бўлимларга тарқатиш учун Умумий бўлим узелига автоматик тарзда келиб тушишини тест режимида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан муваффақиятли ўтди;

- “Е-ХАТ” ҲЭП, “Ижро интизоми” ИМОН тизимлари ҳамда “Е-kalit” аппарат-дастурий қурилмаларига улаш ва фойдаланишда жисмоний шахсларга қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида “UNICON.UZ” ДУК томонидан

мобил телефонидан фойдаланган ҳолда тўловларни “Click” тизими орқали амалга ошириш имконияти яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 28 сентябрдаги “Тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2412-ПҚ-сонли Қарорига мувофиқ ҳудудий ҳокимликлар ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизда “ягона дарча” тамойили асосида тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш марказларини ҳамда ушбу марказлар билан ҳамкорликда ишловчи бошқарма ва ташкилотларни Идоралараро электрон ҳамкорлик тизимига улаш вазифаси белгиланган. “UNICON.UZ” ДУКга келиб тушган аризалар асосида идоралараро электрон ҳамкорлик тизимига 194 та “ягона дарча” марказлари, ҳамда 2890 дан ортиқ давлат органлари ва давлат хизматларини кўрсатувчи бошқа ташкилотлардан 4930 фойдаланувчи уланди. Шунингдек, республика миқёсида “UNICON.UZ” ДУК мутахассислари томонидан мазкур тизим фойдаланувчиларига ўқув курслари ўтказилди.

“UNICON.UZ” ДУК ҳамда “RIM NIHOL” МЧЖ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш маркази тизимини ўрнатиш, жорий қилиш ва ишга тушириш юзасидан шартнома имзоланди ва унга кўра ўрнатиш ишлари тугатилди.

Шунингдек, “UNICON.UZ” ДУК ҳамда Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ўртасида ЭРИ калитларини рўйхатдан ўтказиш маркази дастурий комплексини ўрнатиш юзасидан контракт изоланди ва унга кўра ўрнатиш ишлари тугатилди.

Ўзбекистон Республикасида миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш бўйича 2013-2020 йиллар Комплекс дастурини амалга ошириш бўйича 2016 I ярим йилликда 3 та концепция, 40 та техник топшириқ, 7 та техник талаблар, 1 та дастлабки техник-иқтисодий асослаш, 3 та дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблаш ва 3 та техник-иқтисодий ҳисоблаш экспертизасида иштирок этилди.

Ўзбекистон Республикаси Геология қўмитаси билан “Разработка проектной документации для создания межведомственной корпоративной информационной системы (МКИС) для предоставления интерактивных услуг по оценке и учету природных ресурсов для госорганов, юридических и физических лиц (G2G, G2B, G2C)” лойиҳаси бўйича концепция, техник топшириқ ва дастлабки техник-иқтисодий ҳисоблаш ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Фавкулотда вазиятлар вазирлиги билан “Создание и внедрение информационной системы для предоставления услуг по оповещению населения о чрезвычайных ситуациях по всей территории Республики Узбекистан, а также мониторинга за опасными объектами (1-этап: Единая дежурно-диспетчерская служба (ЕДДС) “Камчик”)” лойиҳаси ташкилотлар билан тасдиқланди ва Вазирликка тақдим этилди.

Ўзбекистон Республикаси Мехнат Вазирлиги билан тузилган шартномага асосан “Трудовая миграция” автоматлаштирилган ахборот тизими техник лойиҳаси ва тизими ишлаб чиқилди.

Бош прокуратура ахборот тизимини яратиш бўйича “Суд блоки” ва “Ҳимояланган электрон почта тизими”ни жорий қилиш бўйича Техник топшириқ лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Олий ҳўжалик суди ахборот тизимини ишлаб чиқиш бўйича шартнома тузилди ва ушбу тизимини яратиш устида иш олиб борилмоқда.

Давлат персоналлаштириш маркази ахборот тизимини яратиш лойиҳаси бўйича ишлар олиб борилмоқда.

““Махалла” ахборот тизимини яратиш” лойиҳаси бўйича Техник топшириқ ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг “Давлат солиқ хизмати органларининг ҳисоблаш техникаси парқини янгилаш” ва “Давлат солиқ хизмати органларини корпоратив тармоқлари модернизацияси” лойиҳалари бўйича техник-иктисодий ҳисоблаш лойиҳаси ишлаб чиқилди ва буюртмачига тақдим этилди.

15. 2016 йил I ярим йиллик давомида “UNICON.UZ” ДУК ходимларининг малакасини ошириш дастурини амалга ошириш ишлари бажарилди.

Ҳисобот даврида Марказнинг ўқув марказларида 251 та ходим ўз малакаларини оширдилар.

Ходимлар тарқибини малакали ходимлар билан тўлдириш мақсадида “UNICON.UZ” ДУК ТАТУ ва бошқа олий ўқув юртлари билан фаол ҳамкорлик қилади.

Ҳозирги вақтда 1 та талаба ТАТУда, 1 та талаба Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида, 6 та талаба Россия Федерациясининг Санкт-Петербург шаҳрида проф. М. А. Бонч-Бруевич номидаги Давлат университетида, 1 та талаба Инха университетида “UNICON.UZ” ДУК ҳисобидан ўқимоқдалар.